

Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги.

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Карши шаҳрида ахборот технологияларига ихтисослаштирилган “IT-TECHNOPARK” давлат унитар корхонасини ташкил этиш тўғрисида”ти (ID-26055 (V-1) қарори.

3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12-13 ноябрь кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарори

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

Карши шаҳрида ахборот технологияларига ихтисослаштирилган “IT-Technopark” давлат унитар корхонасининг ташкил этиш, технопаркка маҳаллий бюджетнинг 2020-2021 йилларида захира жамғармаси ҳисобидан маблағлар ажратиш, технопаркни буюртмалар билан таъминлаш мақсадида вилоятдаги ташкилотлар учун жорий этиладиган маҳаллий дастурий маҳсулотларнинг устувор лойиҳаларини амалга оширишда маҳаллий буюртмалар портфелини шакллантириш тўғрисида

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гурухлари бошқа масъул шахслар ҳамда тақлиф этилаётган хужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартиби солинадиган маълумотлар

5. Хужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гурух иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гурухлари – “IT-Technopark” давлат унитар корхонаси;

давлат органлари гурухи – Қашқадарё вилоят ҳокимлиги;

бошқа иштирокчилар гурухи муносабатлари – мавжуд эмас.

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари хуқуqlари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Қарор лойиҳасининг 1-бандида Карши шаҳрида ахборот технологияларига ихтисослаштирилган “IT-Technopark” давлат унитар корхонасининг Устави 1-иловага мувофиқ тасдиқланиши кўрсатилган.

Устав лойиҳасининг 1.1.-бандида Карши шаҳридаги ахборот технологияларига ихтисослаштирилган “IT-Технопарк” давлат унитар корхонаси тижорат ташкилоти ҳисобланиши кўрсатилган.

6.2. Қарор лойиҳасининг 2-бандида Технопаркка маҳаллий **бюджетнинг 2020-2021 йилларида захира жамғармаси ҳисобидан маблағлар ажратилиши** белгиланган.

6.3. Қарор лойиҳасининг 3-бандида Технопаркнинг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқланиши ва асосий вазифалари ва фаолият йўналишларидан бири этиб технопаркни **буортмалар билан таъминлаш мақсадида вилоятдаги ташкилотлар учун жорий этиладиган маҳаллий дастурий маҳсулотларнинг устувор лойиҳаларини амалга оширишда маҳаллий буортмалар портфелини шакллантириш** белгиланган.

III. Рақобатга таъсирнинг тахлили

7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ти Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айrim хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асосиз равишда бериши **таъциланиши** **кўрсатилган**.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар Концепцияси”да **соглом рақобат мухитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив хуқуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиш** кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат мухитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти **ПФ-6019-сонли Фармонининг 2-банди “б”** кичик бандига асосан 2020 йил 1 октябрдан бошлаб давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларининг ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг (мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлик мақсадларида бундан мустасно) таъсис этилишига (ташкил этишга ташаббус кўрсатишга) йўл қўйилмаслиги кўрсатилган.

IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу қарор лойиҳаси амалдаги қонунчилик талабларига зид эканлигини инобатга олиб ҳамда ушбу соҳада **соглом рақобат бўлишини таъминлаш мақсадида уни қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эмас ҳисобланади.**